Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида меъёрий базани такомиллаштириш бошқармаси тегишли равишда вазирлик марказий аппарати бошқарув ходимларининг чекланган сонини кўпайтириб, 2 нафар қўшимча штат бирлиги ажратилган ҳолда Уй-жой коммунал хўжалиги ва ҳудудларни ободонлаштириш соҳаларининг методологик базасини такомиллаштириш бошқармасига айлантирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман

(шаҳар) ҳокимликларидан жойларда ҳудудларни ободонлаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида зарур ахборотни сўраб олиш ҳуқуқи берилсин.

3. Қуйидагилар:

2019-2020 йилларда ободонлаштириш соҳасида ишлар самарадорлигини янада ошириш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «Йўл харитаси») 1-иловага мувофиқ;

2020 — 2024 йиллар даврида туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармаларини махсус техника ва механизмлар билан жиҳозлашнинг йиғма параметрлари ва параметрлари (кейинги ўринларда — жиҳозлаш параметрлари) 2 ва 2а-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2020 йилдан бошлаб ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетлари параметрларини шакллантиришда тасдиқланган «Йўл харитаси»ни ва жиҳозлаш параметрларини молиялаштириш учун маблағларни назарда тутсин.

5. Белгилансинки, 2020 йил 1 январдан бошлаб:

а) қуйидагиларга:

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бош бошқармаси ва Мустақиллик майдонини кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ва сақлаш департаменти, шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бош бошқармасининг ихтисослаштирилган бошқармалари (Фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармасидан ташқари) ходимларига — ойлик тариф ставкасининг (лавозим маошининг) 30 фоизи миқдорида;

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бош бошқармасининг Фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармаси, Тошкент шаҳри туманларининг ободонлаштириш бошқармалари, Нукус шаҳри ва шаҳарлар — вилоят марказлари ободонлаштириш бошқармалари, вилоят (Қорақалпоғистон Республикасида — республика) бўйсунувидаги шаҳарлар ва туманлар ободонлаштириш бошқармалари ходимларига — ойлик тариф ставкасининг (лавозим маошининг) 15 фоизи миқдорида устама белгиланади;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

б) ободонлаштириш бўлинмалари ходимларига овқатланиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида компенсация тўланади;

*(5-банднинг «б» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6094-сонли Фармони таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.10.2020 й., 06/20/6094/1413-сон)*

в) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг туман ва шаҳар ободонлаштириш бошқармалари ходимлари учун меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича тармоқ тариф сеткасига мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорлари Тошкент шаҳри туманларининг ободонлаштириш бошқармалари ва Фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармаси ходимлари учун назарда тутилган миқдорда белгиланади;

г) фаолияти ҳайвонларнинг жасадларини зарарсизлантириш ва утилизация қилиш билан бевосита боғлиқ бўлган ободонлаштириш бошқармаларининг назоратсиз ҳайвонларни тутиш бўлимлари ходимларига меҳнатнинг зарарли шароитлари учун — лавозим маошига 20 фоиз миқдорида устамалар белгиланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 январга қадар:

шу жумладан ногиронлиги бўлган шахслар ва кекса ёшдагилар учун қулай муҳит яратишни назарда тутган ҳолда ободонлаштириш соҳасидаги стандартлар, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини;

тегишли лойиҳаларни ишлаб чиқишга очиқ танловлар ўтказиш йўли билан кўча-йўл ҳудуди, истироҳат боғлари, хиёбонлар ва бульварлар ташкил этиш тамойилларини жорий этиш, ёритиш элементлари, меъморий шаклларни жойлаштириш, кўкаламзорлаштириш, одамлар учун қулай ҳудудлар яратиш, йўловчилар ва велосипедлар ҳаракатланишини ривожлантириш учун шарт-шароитларни такомиллаштиришни назарда тутувчи «одамлар

учун шаҳар» ва «яшил шаҳар» моделларининг элементларини қўллаган ҳолда, ҳудудларни ободонлаштиришнинг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва янгилашни таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қуйидаги имкониятларни берувчи «Обод ҳудуд» ахборот тизимини яратиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

фуқаролар томонидан ободонлаштириш соҳасидаги мавжуд муаммолар бўйича мурожаатлар юбориш ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш, шунингдек, улар учун қайта алоқани, шу жумладан бажарилган иш натижаларини «аввал» ва «кейин» форматида таққослаш имкониятини таъминлаш;

аҳоли билан ҳамкорликда ободонлаштириш ишларини режалаштириш, бунда мавжуд моддий ресурслар ва инфратузилма имкониятларидан самарали ва оқилона фойдаланишни ҳисобга олиш;

фуқаролар билан ҳудудларни ободонлаштириш ҳолати тўғрисида ахборот алмашиш, қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш объектлари бўйича таклифларни йўналтириш орқали уларни ободонлаштириш лойиҳаларини амалга оширишга жалб қилиш;

ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитария ҳолатидан келиб чиқиб ҳудудлар рейтингини белгилаш;

махсус онлайн-майдончада лойиҳалаштириш ва ободонлаштириш бўйича йўриқномалар ва қўлланмалар, ҳудудларни ободонлаштиришнинг намунавий лойиҳалари, шунингдек, стандартлар, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини жойлаштириш.

8. Қуйидагилар:

«Обод ҳудуд» ахборот тизимини яратиш бўйича буюртмачи этиб Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги;

«Обод ҳудуд» ахборот тизимини яратиш, техник қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича ишларни молиялаштириш манбалари этиб Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетлари белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда «Обод ҳудуд» ахборот тизимини яратиш ва ишга туширишни ташкиллаштириш бўйича «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари икки ой муддатда ҳар бир туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармасида ягона рақам бўйича чақириш тизимини жорий этган ҳолда диспетчерлик хизматларини ташкил этсин ва ушбу тадбирларни молиялаштиришнинг аниқ манбаларини белгиласин.

10. Туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармаларига жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан ҳудудларни ободонлаштириш хизматларини кўрсатиш, ободонлаштириш соҳасида товарлар ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича шартномалар тузиш, шунингдек, соҳага ихтисослашган тижорат ташкилотлари (хўжалик бирлашмалари) иштирокчилари таркибига кириш ҳуқуқи берилсин.

Белгилансинки:

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳудудларни ободонлаштириш хизматларини кўрсатиш бўйича буюртманомалари «Обод ҳудуд» ахборот тизими ёки ягона рақам бўйича ободонлаштириш бўлинмаларини чақириш тизими орқали қабул қилинади;

ҳудудларни ободонлаштириш хизматларини кўрсатганлик учун тушадиган маблағлар бевосита тегишли ободонлаштириш бўлинмаларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисоб рақамларига ўтказилади.

11. Шундай тартиб жорий қилинсинки, унга мувофиқ 2020 йил 1 январдан бошлаб:

шаҳар кўчаларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари параметрларида ушбу кўчаларнинг туташ ҳудудларини ободонлаштириш (ирригация тармоқлари, ёритиш элементлари, кўкаламзорлаштириш, йўлаклар, ахлат қутилари, кичик

меъморий шакллар ва бошкалар) бўйича комплекс тадбирлар мажбурий тартибда назарда тутилади;

йўл қатлами ва ободонлаштиришнинг бошқа объектлари остида жойлашган ер ости муҳандислик коммуникацияларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш қўшма графиклар асосида ободонлаштириш объектларида лойиҳа ва пудрат ишлари билан ўзаро боғлиқ ҳолда амалга оширилади;

янги қурилган объектларни, реконструкция қилинган ва капитал таъмирланган бинолар ёки иншоотларни туташ ҳудудларни ободонлаштирмасдан туриб фойдаланишга қабул қилиш тақиқланади.

12. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг пойтахтда, эксперимент тартибида, жаҳоннинг йирик шаҳарларида муваффақиятли қўлланилаётган жараёнларни бошқариш ва автоматлаштиришнинг замонавий тизимларини жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Тошкент шаҳар ҳокимига эксперимент доирасида:

Ободонлаштириш бош бошқармаси, туманларнинг ободонлаштириш бошқармалари тузилмаларини, туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;

2019-2020 йиллар даврида Тошкент шаҳрини ободонлаштириш тизимини ривожлантириш концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқиш ва кейинчалик амалга оширишга энг яхши таклифларни танлаш йўли билан манфаатдор ташкилотлар, шу жумладан хорижий ташкилотларни жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

2019 йил 1 октябрга қадар давлат-хусусий шериклик шартларида ободонлаштириш бўйича ишларни ва хизматларни ташкил этиш учун ҳудудларни бериш имкониятини ўрганиб чиқсин ва зарур ҳужжатларни тайёрласин;

2019 йил 1 декабрга қадар камида бешта шаҳар ва туманларда давлат-хусусий шериклик шартларида ободонлаштириш бўйича ишларни ва хизматларни ташкил этиш учун ҳудудларни бериш чораларини кўрсин;

ижобий тажриба якунлари бўйича уни кейинчалик бутун республика ҳудудида жорий этиш юзасидан таклифлар тайёрласин.

14. 2019 йил 1 октябрдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

юридик ва жисмоний шахслар — аҳоли пунктидаги бинолар ва иншоотларнинг мулкдорлари ёки улардан фойдаланувчилар, шу жумладан, ижарага олувчилар ўзига бириктирилган ҳудудни ободонлаштириш ишлари ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши учун масъул ҳисобланади;

ободонлаштириладиган ҳудуднинг майдони маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланади. Бунда бириктирилган ҳудуд майдони тегишли ер участкаси майдонидан катта бўлиши мумкин эмас;

бириктирилган ҳудудни ободонлаштириш ишлари бинолар ва иншоотларнинг мулкдорлари ёки улардан фойдаланувчилар томонидан белгиланган шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига, шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг ташқи кўринишига қўйиладиган талабларга мувофиқ амалга оширилади.

15. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига парламент назорати доирасида Сенат мажлисларида тегишли ҳудудни ривожлантириш масалалари бўйича вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг ҳисоботларини эшитишда ободонлаштиришни ривожлантириш масалаларини ҳам кўриб чиқиш;

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига бошқа оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда телерадиоканаллар эфирларида,

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | ташкил этиш;<br>автотранспорт воситалари тўхтаб турадиган зоналарни ташкил этиш;<br>жамоат транспорти бекатлари, киосклар ва бошқа ностационар объектларга талаблар;<br>минтақа иқлими ва табиий шароитлардан келиб чиқиб, комплекс ландшафт дизайни, тавсия этилган яшил буталарни ҳисобга олган ҳолда худудларни кўкаламзорлаштириш тартиби;<br>сув объектларининг кирғоқларини ободонлаштириш талаблари;<br>кўчаларнинг декор элементларини ўрнатиш — тўсиқлар, канализация қопқоқлари, дарахтлар учун панжаралар, скамейкаларга талаблар;<br>реклама ва ахборот конструкциялари, кўрсаткичлар<br>ва ахборот шитларини ўрнатиш талаблари. | | | |
| | Стандартлар, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини, шунингдек, намунавий лойиҳаларни тасдиқлаш якунлари бўйича уларни тўпламлар тарзида нашр этиш ва расмий<br>веб-сайтларда жойлаштириш. | 2020 йил январь | | |
| 3. | Назоратсиз ҳайвонларни тутиш ва сақлаш билан боғлиқ фаолиятни танқидий ўрганиш. | 2019 йил декабрь | — | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги |
| | Ўрганиш якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасининг назоратсиз ҳайвонларни тутиш ва сақлаш билан боғлиқ фаолиятни такомиллаштириш тўғрисидаги қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш, унда жумладан қуйидагиларни назарда тутиш:<br>аҳоли пунктларида кучуклар ва мушукларни | 2020 йил февраль | — | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | сақлаш қоидаларини такомиллаштириш;<br>назоратсиз ҳайвонларга нисбатан раҳмдил бўлишни таъминлайдиган уларни тутиш ва вақтинча сақлаш қоидаларини такомиллаштириш, шу жумладан тутилган назоратсиз ҳайвонлар тўғрисидаги маълумотларни, уларни идентификацияловчи белгилар (фотосуратлар, биркалар, намунавий белгилар ва бошқалар) кўрсатилган ҳолда, жойлаштириш учун умум фойдаланадиган ахборот тизимининг фаолият юритишини таъминлаш йўли билан уй ҳайвонларининг эгаларини хабардор қилиш чора-тадбирларини такомиллаштириш;<br>шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари қошида назоратсиз ҳайвонларни тутиш бўйича бўлимларнинг моддий-техник базасини ривожлантириш дастури;<br>ҳар бир шаҳарда (туманда) тутилган назоратсиз ҳайвонларининг жасадларини зарарсизлантириш учун крематорийлар (крематорлар харид қилиш) ва биотермик ўралар қуриш. | | | |
| **II. Ободонлаштириш соҳасидаги инфратузилмани янада яхшилаш ҳамда ободонлаштириш бошқармаларини моддий-техник таъминлаш бўйича чора-тадбирлар** | | | | |
| 4. | Қуйидагиларни капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш бўйича манзилли дастурларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш:<br>шаҳар кўчалари;<br>сунъий иншоотлар;<br>истироҳат боғлари, хиёбонлар ва бульварлар;<br>пиёдалар ва велосипед йўлкалари;<br>сув объектларининг | Ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш — 2019 йил октябрь<br><br>Амалга ошириш — 2020 йил | Маҳаллий бюджет маблағлари | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | кирғоқларини ободонлаштириш объектлари;<br>энергия самарадорлигини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда ташқи ёритиш объектлари;<br>магистрал суғориш сув қувурлари, насос станциялари ва насос агрегатлари;<br>жамоат ҳожатхоналари. | | | |
| 5. | Лойиҳа-қидирув ташкилотларини ва Қурилиш вазирлигининг бўлинмаларини жалб этган ҳолда тасдиқланган намунавий лойиҳалар, стандартлар, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари асосида тегишли аҳоли пунктларини ободонлаштиришни ривожлантириш стратегиялари ва дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | 2019 йил октябрь | Маҳаллий бюджет маблағлари | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Қурилиш вазирлиги |
| | Ободонлаштиришнинг тасдиқланган стратегияси ва уни ривожлантириш дастурларини амалга ошириш. | 2020 йил | | |
| 6. | Ерости муҳандислик коммуникациялари (коллекторлар)нинг мавжудларини капитал таъмирлаш ва янги тармоқларини қуриш масаласини ўрганиш ҳамда якунлари бўйича уларни таъмирлаш, янада кенгайтириш ва қуриш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | 2019 йил декабрь | — | Қурилиш вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Молия вазирлиги |
| 7. | Аҳоли пунктларининг кўкаламзорлаштирилган майдонларини, кўчалар ва йўлаклар узунлигини, ирригация тармоқларини ва ободонлаштиришнинг бошқа объектларини хатловдан ўтказиш. | 2019 йил июль — сентябрь | Маҳаллий бюджет маблағлари | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, Молия вазирлиги |
| | Эгасиз турган ободонлаштириш объектларининг мансублигини аниқлаш, уларга кадастр ҳужжатларини | 2019 йил октябрь | | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | расмийлаштириш, имкон қадар уларни олдиндан ишлаб чиқилган тавсия этиладиган лойиҳа ечимлари билан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида хусусий секторга бериш. | | | |
| | Эгасиз турган ободонлаштириш объектларига хизмат кўрсатиш ва молиялаштириш учун маблағларга бўлган эҳтиёжнинг асосланган ҳисоб-китобларини тайёрлаш. | 2019 йил ноябрь | | |
| 8. | Ободонлаштириш объектларини қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва вақтинча сақлаш учун зарур миқдордаги ахлат қутилари билан таъминланганлиги юзасидан хатловдан ўтказиш. | 2019 йил июль — сентябрь | Маҳаллий бюджет маблаглари | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари |
| | Ободонлаштириш объектларида ахлат қутиларини қонун ҳужжатларида белгиланган нормаларга мувофиқ ҳолда ўрнатишни таъминлаш. | 2020 йил давомида | | |
| 9. | Ободонлаштириш бошқармалари томонидан аҳоли пунктлари ҳудудларини тозалаш ишларини бажариш вақтида ҳосил бўладиган чиқиндиларни олиб чиқиб ташлаш, утилизация қилиш ва жойлаштириш учун инфратузилмани яратиш. | 2020 йил май | Маҳаллий бюджет маблағлари | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси |
| 10. | Ободонлаштириш бошқармаларининг моддий-техника базасини хатловдан ўтказиш. | 2019 йил сентябрь | Маҳаллий бюджет маблағлари | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси |
| | Ободонлаштириш бошқармалари ходимларини душ, дам олиш хоналари ва ҳожатхоналарни ўз ичига оладиган маиший хоналар билан таъминлаш. | 2020 йил январь — март | | |
| | Ободонлаштириш бошқармалари бинолари (иншоотлари)ни қуриш (реконструкция қилиш). | 2020 йил январь — март | | |
| 11. | Ободонлаштириш соҳаси | 2020 йил | — | Уй-жой коммунал |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | ходимлари меҳнатини муҳофаза қилишнинг янгиланган қоидаларини ушбу соҳада банд бўлган барча тоифадаги шахсларни қамраб олишни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | январь | | хизмат кўрсатиш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги |
| 12. | Ободонлаштириш соҳаси ходимлари махсус формали кийим-бошининг замонавий намуналарини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | 2019 йил сентябрь | Маҳаллий бюджет маблағлари | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари |
| | Ободонлаштириш соҳаси ходимлари меҳнатини муҳофаза қилиш қоидаларига мувофиқ ободонлаштириш соҳаси ходимларини махсус формали кийим-бош билан таъминлаш. | Белгиланган муддатларда | | |
| 13. | Ободонлаштириш бошқармалари муассислигида, шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ободонлаштириш соҳасида ва турдош соҳаларда товарлар ишлаб чиқарувчи (хизматлар кўрсатувчи) хўжалик жамиятларини ташкил этиш (яшил буталарни ўстириш бўйича питомниклар ташкил этиш, ландшафт дизайни хизматлари, полиграфия хизматлари кўрсатиш, асфальт, бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва бошқалар). | 2019-2020 йиллар | — | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари |
| 14. | Ҳудудларни ободонлаштириш соҳасидаги долзарб масалалар бўйича нашрлар ва мавзули кўрсатувларни ташкил этиш бўйича медиа режани тасдиқлаш. | 2019 йил июль | — | Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Миллий ахборот агентлиги |
| | Тозаликка риоя қилиш ва ободонлаштириш объектларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни шакллантириш маданиятини оширишга йўналтирилган ижтимоий рекламани жойлаштириш. | Медиа режага мувофиқ | — | |

# XALQ DEPUTATLARI SIRDARYO VILOYATI KENGASHI
# Q A R O R I

100120, Guliston sh., Islom Karimov k., 60-uy, tel: (67)225-33-51, 225-06-78, e-mail: sirdaryo@exat.uz

2022 - yil 7 - mart VI-32-26-9-0-K/22 Sirdaryo viloyati hokimligi

**Respublika byudjetidan viloyat mahalliy byudjetiga 2022-yilda ajratilgan ssuda mablag'larini belgilangan tadbirlarga ajratish to'g'risida**

O'zbekiston Respublikasi Byudjet Kodeksining 126-moddasiga, O'zbekiston Respublikasining 2019-yil 9-dekabrdagi "2020-yil uchun O'zbekiston Respublikasining Davlat byudjeti to'g'risida"gi 589-sonli qonuniga, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 30-dekabrdagi "Respublikada ko'kalamzorlashtirish ishlarini jadallashtirish, daraxtlar muhofazasini yanada samarali tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-46-sonli Farmoniga, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2015-yil 4-sentabrdagi PQ-2401-sonli, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2015-yil 18-iyundagi 160-sonli, 2015-yil 9-sentabrdagi 262-sonli qarorlariga asosan "Mahalliy davlat hokimiyati to'g'risida"gi qonunning 6- va 24-moddalariga muvofiq Xalq deputatlari Sirdaryo viloyati Kengashi **qaror qiladi:**

1. Sirdaryo viloyati hokimligining 2022-yil 10-yanvardagi 2/1-7-sonli, 2022-yil 7-fevraldagi 2/01-21-sonli xatlari bo'yicha O'zbekiston Respublikasining Respublika byudjeti hisobidan viloyat mahalliy byudjetiga viloyat mahalliy byudjetining qo'shimcha manbalari hisobidan qaytarish sharti bilan 16 105,0 (o'n olti milliard bir yuz besh) mln. so'm byudjet ssudasi ajratilganligi ma'lumot uchun qabul qilinsin.

2. Ushbu ajratilgan byudjet ssudasi quyidagi maqsadlarga viloyat hokimining farmoyishi bilan ajratilsin;

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining qaror va farmoyishlarida, hukumat qarorlari va bayonlarida belgilangan tadbirlarni o'z vaqtida amalga oshirish

Xalq deputatlari Sirdaryo viloyat
Kengashining
2022 yil 7 martdagi
VI-32-26-9-0-K/22-son qaroriga
1-ilova

**Tuman va shahar obodonlashtirish boshqarmalari tasarrufidagi ko'kalamzorlashtirish hududlariga sug'orish tizimlarini va suv quduqlarini tashkil etish, hamda maxsus texnikalar xarid qilish xarajatlariga respublika byudjetidan ajratilgan ssuda mablag'larining taqsimoti**

**(mln. so'mda)**

| T/r | Tuman va shahar nomi | Jami ajratilgan mablag' | Shundan, | |
|---|---|---|---|---|
| | | | Obodonlashtirish boshqarmalari tasarrufidagi ko'kalamzorlashtirish hududlariga sug'orish tizimlarini va suv chiqarish quduqlarini tashkil etishga* | Obodonlashtirish boshqarmalarini maxsus texnika va mexanizmlar bilan jihozlashga** |
| 1 | Guliston shahar | 283,0 | 283 | |
| 2 | Shirin shahar | 859,0 | 234 | 625 |
| 3 | Yangiyer shahar | 852,0 | 227 | 726 |
| 4 | Guliston tumani | 1104,0 | 234 | 870 |
| 5 | Boyovut tumani | 206,0 | 206 | |
| 6 | Sayxunobod tumani | 213,0 | 213 | |
| 7 | Sardoba tumani | 206,0 | 206 | |
| 8 | Mirzaobod tumani | 206,0 | 206 | |
| 9 | Xovos tumani | 234,0 | 234 | |
| 10 | Oqoltin tumani | 1097,0 | 227 | 870 |
| 11 | Sirdaryo tumani | 845,0 | 220 | 625 |
| **Jami** | | **6105,0** | **2490,0** | **3615,0** |

**Sug'orish tizimlari uzunligi va suv chiqarish quduqlari soni O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 30-dekabrdagi PF-46-sonli Farmonining 3-ilovasida keltirilgan*

***Sotib olinadigan maxsus texnikalar nomi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 30-dekabrdagi PF-46-sonli Farmonining 4-ilovasida keltirilgan*

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: RX7844446682

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO`G`RISIDA HUQUQIY XULOSA

**1.Loyihaning turi:** SHARTNOMA GK04643772

**2.Loyihaning nomi:** Yangiyer shahar Obodonlashtirish boshqarmasi hamda "VOLFA IDEAL" mas'uliyati cheklangan jamiyati o'rtasida 17.08.2022 yildagi № 29-sonli qurilish texnikasi xarid qilish yuzasidan tuzilgan shartnoma.

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma`lumot:**

Shartnoma loyihasi Yangiyer shahar hokimligi Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o`tkazish uchun 2022 yil 17 avgustda kiritilgan.

**XULOSA:** Shartnoma loyihasi O`zbekiston Respublikasining 29.08.1998 yildagi "Xojalik yurituvchi sub`ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to`g`risida"gi Qonunining 10-14, 24-35-moddalari, O`zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 353-366-moddalari, O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 27.09.2018 yildagi "O`zbekiston Respublikasining "Davlat xaridlari to`g`risida"gi Qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari togrisida"gi PQ-3953-sonli qarori bilan tasdiqlangan "Davlat buyurtmachilari tomonidan to`g`ridan-to`g`ri shartnomalar bo`yicha xarid qilinadigan (ishlar, xizmatlar) RO`YXATI" talablari asosida ishlab chiqilgan va uni imzolash maqsadga muvofiq.

**Yangiyer shahar**
**Yuridik xizmat ko`rsatish**
**markazi bosh yuriskonsul`ti** **D.Xayitaliyev**

*2022 yil 17 avgust*